

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 83 (6825)  
1997 йил, 25 октябрь, шанба

Сотувда эркин  
нархда

**Вера МИРОЧНИК**  
*ЎЗБЕКИСТОНЛИК*

Яшна, жоним  
Ўзбекистоним.  
Киндик қоним тўкилган  
Ватан.  
Гуллар очди сенда  
имконим,  
Сени севди миришкор  
отам.  
  
Онам севди, мен ҳам  
севаман,  
Мактаб аро тилдан дарс  
бериб,  
Тиллашганда, гавҳар  
тераман—  
Саждагоҳда вужудим  
эриб.

Яшна, жоним  
Ўзбекистоним,  
Тўйиб- тўйиб сени  
қуйлайин.  
Қоришгандир сен билан  
қоним,  
Сени дерман, қайда  
бўлмайин!  
Таржимон:  
Турсун МУХАММАД

## ОБУНАНИ ХАЛ ҚИЛДИК

Икки уғлим мактабда  
уқишади. Турмуш уртоғим  
эса ўзбек-турк лицейида дарс  
беради. Бундан бир ҳафта  
аввал кечки дастурхон  
атрофида ота-бола баҳслашиб  
қолишди. Чунки уғилларимнинг  
иккиси ҳам «Тонг юлдузи»га  
обуна бўлишга аҳдлашган эди.  
(Ҳар бири ўз газетасига эга бўлиш  
ни хоҳлашибди).

Бугун уғилларим мактабдан  
хурсанд бўлиб уйга қайтдилар.  
Хурсандчилигининг боиси—  
муаллима ораси обуначилар  
руйхатининг бошига уларнинг  
исм-фамилияларини ёзиб қуйибди.  
Фарзандларимнинг қувончини  
қуриб, қувнаб кетдим. Бир  
хонадонга иккита «Тонг юлдузи»  
келса келибди-да! Утган йилда  
ҳам «Тонг юлдузи» газетаси  
хонадонимизга иккитадан келган  
ди. Фарзандларимни кўпроқ  
табиат оламига боғлиқ саҳифалар,  
бошқотирмалар қизиқтиради.  
Уйлайманки, 1998 йилда  
газета янада қизиқarli чиқади.

**Дилором САТТОРОВА,**  
Анджон вилояти  
Халқ таълими  
бошқармасининг  
ходими



## «СИНФДОШ»ГА ГАПИМ БОР

Биз, ўқувчилар, севиб томоша қиладиган «Синфдош» курсатуви икки ёшга тулибди. Ушбу байрам сонига бағишланган курсатувда уларнинг ҳамкасблари, устозлари, мактаб ўқувчиларининг табрикларини тинглаб, мен ҳам ўзим севган газета орқали ўз табригимни йўлламоқчиман. Курсатув бундан ҳам кенг қамровли, мазмунли бўлишини тилайман.

Ижодкорлар битта курсатув тайёрлаш учун елкаларига оғир камралари ва бошқа техник асбобларини осиб мактабма-мактаб юришлари,

ўқувчи ва ўқитувчилар билан муаммоли мавзуларда савол-жавоблар уюштиришларини яхши биламан. Табрикларим билан бирга, бир оз эътирозли фикрим ҳам йўқ эмас. «Синфдош» бизнинг қишлоқ мактабларига ҳам келиб курсатув уюштирса эди, бизнинг ҳам ТВ мухлисларига гапларимиз кўп ахир. Шаҳар ўқувчилари каби бизнинг ҳам ўзимизга яраша муаммоларимиз, ютуқ ва камчиликларимиз бор.

**Турсунбой ЗОКИРОВ,**  
Шахрихон туманидаги  
17-мактаб ўқувчиси

### Бизга ёздилар

## УРИКЗОРДАГИ МАСКАН

Пойтахтимизнинг Урикзор даҳасида ўқувчилар техник ижодиёт маркази жойлашган. Унда 25 хил тугарақларда 1630 нафар ўқувчи хунар урганаяпти. Дурадгорлик, миллий хунармандчилик, коинот (самолёт, ракета ясаш) радиоҳаваскорлик, фотоҳаваскорлик, радиот, юмшоқ уйинчоқлар, тикувчилик, туқувчилик, каштачилик каби тугарақлар болалар билан ҳаммаша гавжум.

Марказда ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидалари ҳам ургатилиб келинапти. Улар «Яшил чироқ» шаҳар қуриғида беш йилдан бери фақат фахрли уринларни эгаллаб келишмоқда. Ундан ташқари, «Иқтидорли ўқувчилар» қуриғида автоқураш, радиотлар қуриғи, картинг мусобақаси, мотоқураш, фото, модельер-лойихачилар техник кургазмаларда ҳам етакчи уринларни қўлга киритишди. Велоту-

ризм, Автомодель турлари буйича шаҳар, Республика ҳолиблари ҳам мана шу марказдан етишиб чиқаяпти.

Ушбу марказга Равшан Ибрагимов раҳбарлик қиладилар. Бу маскан кейинги йиллар ичида 217 та фахрий ёрлик ва дипломлар билан тақдирланди. 329 ўқувчи турли курик-танловлар голиби бўлишди.

Келгусида бу марказнинг янада кенгайиб, ўз имкониятларини Республика курик - танловларида намоён қилишига ишонамиз.

**Азиза СОЛИХОВА**




## ҲИКОЯТ

Бир бойнинг такасалтанг угли бор эди. Бой углини донишманд ҳузурига элтиб: «Шуни тарбия қил, шояд ақли кириб, одам бўлса», — деди. Донишманд бойваччани узоқ муддат тарбия қилди, фойдаси бўлмади. Боланинг отасига бир одам орқали:

«Углинг одам бўлмади, мени ҳам ақдан оздирди», — деб хабар қилди.

Қобилият бўлса аслида,  
Тарбият унга қилади асар.  
Қанча уринма бўлмас сайқали,  
Темир аслида бўлмас жавҳар.  
**Шахноза МУХАММАДИЕВА,**  
Тошкент шаҳридаги 40-  
мактаб ўқувчиси

## Табдил



## Табдил

## НИКОЯТ

Bir boyning takasaltang o'g'li bor edi. Boy o'g'lini donishmand huzuriga eltib: «Shuni tarbiya qil, shoyad aqli kirib, odam bo'isa», — dedi. Donishmand boyvachchani uzoq muddat tarbiya qildi, foydasi bo'lmadi. Bolaning otasiga bir odam orqali: «O'g'ling odam bo'lmadi, meni aqldan ozdirdi», — deb habar qildi.

Qobiliyat bo'lsa aslida,  
Tarbiyat unga qiladi asar.  
Qancha urinma bo'lmas sayqali,  
Temir aslida bo'lmas javhar.  
**Shahnoza MUHAMMADIEVA,**  
Toshkent shahridagi 40-  
maktab o'quvchisi



Эсимда, уша куни синфимизда навбатчи эдим. Буни бир кун аввал синф раҳбаримиз огоҳлантириб айтган эдилар. Бизда навбатчи саналган уқувчи ҳаммадан эрта келиб, ҳаммаёқни тартибга келтириб қўйиши зарур эди. Лекин нима булди-ю, уша куни навбатчи эканлигим ёдимдан кутарилиб, синф доскасини артиш учун қўл кўрпачаси тикиб келишни унутибман. Синф тозаланмаган, доскалар учирилмаган... Нима қилишимни билмай энг яқин дугонам Хилоладан ёрдам сурадим. Хилола «ҳозир келаман» деди-ю синфдан ташқарига чиқиб кетди. Бир оз вақт утгач қўлида кичкина доска учиргич кўрпача билан кириб келди. Шунақаям хурсанд булиб кетдимки, асти қўяверасиз. Тез орада ҳаммаёқни чиннидай қилиб

қўйишга улгурдим.

Математика дарси эди. Устоз кириб, аввал синфни, кейин эса болаларни куздан кечириб чиқдилар. Синфда йўқлама қилинган, уй вази-фасини сурадилар. Энди янги

### Оналар ёзади

ни угирлаб кетишибди, деди. Устоз синфда навбатчи ким эканлигини сурадилар. Индамай урнимдан турдим. Хилола булса кўзлари билан ер

## НАВБАТЧИЛИК ҲАҲТОМАСИ

дарсни утишни бошловдилар ҳамки синфхонамиз эшиги тақиллаб қолди. Бутун синфнинг диққати эшикка қаратилди. Шу пайт эшик очилиб, 6-«В» синфида ўқийдиган Аббоснинг боши кўринди. У бошини синфга киргизиб, ерда ётган кўрпачага қараганини кўрдим. Аббос аввал устоздан узр сураб, синфимизнинг доска учиргичи-

қизиб утирарди. Уғлим Бекзод «Тонг юлдузи» га обуна булган. Ундаги қизиқарли хабар, мақола, шеърларни ўқиб, болалигимдаги шунга ухшаш воқеалар эсимга тушди.

Қани эслаб кўринг-чи, азиз болажонлар, Сизнинг ҳам ҳаётингизда шунга ухшаш воқеалар булганми?

Зарифа АЛИЕВА

Уч ёшли Бетси автомобиль ҳалокати туфайли ётиб қолган кўнларнинг бирида бир дайди мушук қизалоқ хонасига қандай кириб қолганини дастлаб ҳеч ким сезмай қолди. Кейинчалик қизчанинг онаси мушукни хайдамоқчи бўлганида қизи кўнмади, чунки мушук Бетсининг нимжон, ҳаракатсиз қўларини меҳр билан ялаб, унинг қаравоти ёнида кўнларни мул-

раб утказарди.

Мушукнинг бу хонадонга

## ТАБИЪ МУШУК

қелганига роппа-роса уч ҳафта булганда ҳақиқатан муъжиза руй беради. Бундан ота-оналари ва

даволовчи шифокорлар лол қолишади, чунки тула фалажлик ҳолатида ётган Бетсининг жонсиз қўллари ҳаракатга келиб, энди улар мушукчани силаб, эркаларди. Яна икки ҳафта утгач эса Бетси урнидан туриб, мустақил юришни машқ қила бошлади. Мушук эса қандай пайдо булган булса, шундайлигича сирли гойиб булди.

— Озодхон, ҳу... Озодхон!  
— Лаббай!  
— Сиз билан бир шингил гурунглашсак, дегандик. Майлими?  
— Хуп булади!  
— Меҳмон — отангдек

— Ҳаммаларидан ҳам 72 ёшли катта энамнинг тез-тез дуосини олиб тураман.  
— Бизнингча, купроқ ойижонингиз — Ҳосиятхонга ёв? Онангиз бир йўла икки бош сигирни Озодхон соғади, дедилар. Боя ўзимиз ҳам

— Ҳа, ҳар доим ўзим қарайман. Баъзан синглим Дилфузахон ҳам ёрдам бериб туради.  
— Англашимизча, ҳаммаёқ экинзор. Яйлов масаласи оғир. Молларингизни купроқ қаерларда утлатасиз?

ли четга чиқиб кетмасликка уринишади.

— Ҳар қалай, синфингизда узаро ҳурмат устиворми?

— Ҳа! Гап ана шунда-да!

— Муаллимларингиздан купроқ қайсиларини ҳурмат қиласиз, синфдошларингиздан-чи?

— Мактаб директоримиз Холжигит ака Ёқубовни, математика фани ўқитувчимиз Фарҳод Салимовни... Синфдошларимдан — Шерзодни, Шаҳобни. Санайверсам — куп.

— Боя синфимизни асосан қиз болалар ташкил этади, деб айтдингиз. Нима, уларни унча ҳурмат қилмайсизми? Ҳеч қурса, уларнинг баъзиларини ҳам тилга олмадингиз?

— Синфдош қизларимизнинг ҳаммаси — яхши! Унда

### Қирқ ҳунар ҳам оз

ун тўрттасининг ҳам ҳаммасини бир-бир тилга олишга тўри келади. Купчилигини тилга олмай утсак, улар албатта ҳафа булади-да!

— Э, гап буюқда, денг?!...

**Ана, шунақа, азизлар! Бизнинг лавҳамиз қаҳрамони Озодхон Ибрагимов — ана шундай фикрлари тегаран, одобли ва ахлоқли бола.**

**Озодхон — озод ва мустақил юртимизнинг маънан бой камол топаётган дурқун нав-ниҳоли. Насиб этса, бу ниҳол — сарбаланд буй кўрсатишига ишонамиз. Иншооллоҳ, шундай бўлсин!**

Абдулла ТУРДИЕВ,  
Пойарик



## Озодхон

болаҳонадан туриб уз кузимиз билан кўрдик. Бу — сиздек мўйлаби энди сабза ураётган йигит учун уят саналмайди?

— Мен буни уят деб қабул қилмайман. Негаки, ойижонимни жуда-жуда яхши кураман. Утган йили ойимнинг бироз тоби қочиб қолди-ю, шу-шу сигир соғишни урганиб олдим. Говмишларим ҳам менга урганиб қолишган.

— Ҳар куни уларни неча марта соғасиз?

— Одатдагидек — икки марта: эрталаб ва кечқурун.

— Говмишларингиз куп сут берадими?

— Эрталаб бир челақ, кечқурун бир челақ.

— У-ҳу, яхши-ку! Куп сут беришининг боиси нима? Молларга ҳам узингиз қарайсизми?

— Қишлоғимизга яқин жойдан Пайарик канали оқиб утади. Шу десангиз, канал буйларида ут куп. Дарсдан буш пайтларимда молларимизни ҳам яйратиб боқаман, ҳам ут-улан уриб келаман.

— Энди ўқишларингиз ҳақида бироз гурунглашсак. Синфингизда узи нечта бола ўқийди?

— 23 та уқувчи.

— Ҳуш, шуларнинг қанчаси угил ва қанчаси қиз бола?

— Э, бизда қизлар куп...

— Куплиги яхшими еки аксинча?

— Яхши томони куп. Нега десангиз, қиз болалар куп жойда фаришталик-саришталик булади. Яна... яна...

— «Яна» деганда — нимани эътиборга олаяпсиз?

— Бундай муҳитда угил болалар одоб доирасидан деяр-



улуғ, дейишади, биласиз-а?!

— Ҳа, дадам ҳам, ойим ҳам бизга доим шу гапни айтишади.

— Э, зур-ку! Унда узбекона удумларни яхши кўраркансиз-да?

— Булмасам-чи!

— Айтинг-чи, биз, узбекларнинг қайси фазилатимизни жудаям яхши кўрасиз?

— Меҳнатсеварлигини. Яна, меҳмондустлигини, бир-бирига меҳрибонлигини.

— Сиз купроқ кимларга меҳрибонлик кўрсатасиз? Ойингизгами, дадангизгами ё ака-ука, сингилларингизгами?



# Бўш ўтирма

Азиз болажонлар!

«Буш утирма» саҳифасида қизиқарли бошқотирмалар эълон қилинганидан сунг («Тонг юлдузи», 8 октябрь) сизлардан жуда кўп мактублар олдик. Талабчан ҳайъат хатларни саралаб бормоқда. Бугун мазкур беллашувнинг навбатдаги топшириқларини ҳукмингизга ҳавола қилар эканмиз, голиб учун топшириладиган хорижда ишлаб чиқарилган велосипед таҳририятимизда уз эгасини кутаётганини, қолган фаол иштирокчиларимизга ҳам қимматбаҳо эсдалик совғалари тайёрлаб қуйилганини сизларга маълум қиламиз.

Эслатма:

Беллашув 15 декабргача давом этади!

Шошилинг! Жавоблар газета саҳифасига тулғазилиб, таҳририятимизга юборилиши кераклигини унутманг!

## 2-БОСҚИЧ

Жавобни йўллаган ўқувчининг исми шарифи

\_\_\_\_\_ синф  
\_\_\_\_\_ мактаб

\_\_\_\_\_ синф раҳбари

\_\_\_\_\_ Манзилгоҳ

## Яширинган сўзни топинг


🌳	🌳	З	🌳	Л	Х	🌳	А
Б	Т	🌳	🌳	🌳	🌳	🌳	Д
Ш	Ў	Е	🌳	Й	В	🌳	С
🌳	🌳	Н	🌳	К	Т	Ф	🌳
🌳	🌳	🌳	🌳	🌳	🌳	И	🌳
М	Ё	🌳	🌳	🌳	🌳	О	🌳
Г	Қ	Ф	У	Н	🌳	С	🌳
Е	А	🌳	Р	О	🌳	🌳	🌳

От неча юришда қасрга етиб боради?

Яширинган сўзни топинг!

Жавоб \_\_\_\_\_

## ТОПИШМОҚ КРОССВОРД



Энига:

- 2. Оналари тик туради, Болалари чапак чалади.
- 6. Беихтиёр лаб ялаб, Киши чанқоғи қолар.
- 7. Ерга тушса лой қилар, Ер юзини бой қилар.
- 9. Қоронғи томда бир қампир Сочини ёйиб утирибди.
- 10. Икки ботир қиличлашар.
- 13. Узи пишиқ, Бурни қийшиқ.
- 16. Лип этди кириб кетди Чиказолмай эсинг кетди. Буйига:
- 1. Узи бор, сояси йуқ.
- 2. Икки ажиб қулоғи бор, Бири тинглаб, бири сузлар.

- 3. Етти хил рангли куйлак.
- 4. Ҳамма вақт оғзимда-ю, Ҳечам юта олмайман.
- 5. Эрта турли, Икки айри йулга тушди.
- 8. Эл ётса ҳам, Шалпангқулоқ етмайди.
- 9. Отим сариқ — ажабгина, Думлари бор — гажақкина.
- 11. Ер тагида олтин бош, Курунмайди қалам — қош.
- 12. Ҳаммани туйдиради, Узи смайди.
- 14. Қорни қоңдай, Буйни ишдай.
- 15. Сандиқ тула оқ садаф.
- 16. Узи қаттиқ — тош эмас,
- 17. Кечаси ешиқ, Кундузи очиқ.

## ТОПИШМОҚ

Бир кишидан ўглингиз неча ёшда? — деб сўрашибди. У мен 31 ёшдалигимда ўғлим 8 га тулган эди, ҳозир у мендан рошпа-роса 2 баравар кичик, деб жавоб берибди.

Айтингчи, ўглининг ёши нечада?

Жавоб: Углининг ёши...

Отанинг ёши...


## БОШҚОТИРМА

1	2	3
4	5	6
7	8	9


Бу квадратни уч минг йил илгари қадимги хитойликлар уйлаб топишган.

Вазифа: Сонларни катакларга шундай жойлаштирингки, сонларни энига ҳам, буйига ҳам ва диагонал буйлаб қушганда ҳам умумий миқдор 15 чиқсин.

## РЕБУС



Жавоб \_\_\_\_\_

ҲИҚМАТЛИ СЎЗНИ ТОПИҢГ!

Саҳифани Суннатилла Кузиев тайёрлади

## ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА  
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадаҳон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ГВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0668.  
10960 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босингга топшириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30  
Навбатчи муҳаррир М. Муродова.

Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563

• Телефон: 1-33-44-25

